

BOLA TARBIYASIDA OTA-ONALAR MA'SULIYATINI OSHIRISH DOLZARB VAZIFA

Нилуфар Махсудовна Кошанова

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
koshanovanilufar512@gmail.com

Мирзохид Латифович Шарипов

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий тарбиянинг долзарб масалалари, бола тарбиясида ота-она маъсулиятин оширишнинг аҳамияти, тарбиянинг нозик ва мураккаб жиҳатлари ҳақида мушоҳада қилинган.

Калит сўзлар: Глобллашув жараёни, оммавий маданият, бурч, маъсулият, таълим имконияти, комил инсон, таълим субъекти

INCREASING PARENT RESPONSIBILITY FOR RAISING CHILDREN

ABSTRACT

The article examines topical problems of national education, the importance of increasing parental responsibility in raising children, subtle and complex aspects of education.

Keywords: The process of globalization, mass culture, job function, responsibility, educational opportunities, ideal person, subject of education.

КИРИШ

Тарбия масаласи ҳар бир даврда долзарб масала ҳисобланган. Аммо ҳозирги шиддаткор, ахборот алмашинуви тезкор давом этаётган даврда, миллий тарбия асосларига путур етмоқда. Тобора шиддатли тус олаётган глобллашув жараёни, оммавий маданиятнинг кенг тарқалаётганлиги халқимизнинг миллий менталитети, маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир тарбиячи ҳоҳ ўқитувчи, ҳоҳ ота-она бўлсин бола тарбиясига жиддий қараш

лозимлигини янада кўпроқ англаши лозимлиги давр тақозоси ҳисобланади. Таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади. [1]

Миллат келажаги ҳисобланган фарзанд тарбиясида оилада ота-она таълим имкониятлари жамиятнинг кейинги тараққиётида қанчалик аҳамиятли эканлигини, оилаларда узлуксиз маънавий тарбияни яхшилаш, фарзанд тарбиясида маъсулият ҳиссини кучайтириш, ота-оналарнинг таълим салоҳиятини яхшилаш масаласи энг долзарб масала сифатида қаралмоқда. Агар оилада муайян таълим имконияти, ота-оналаримизнинг маъсулиятлилик даражаси суст бўладиган бўлса, у ҳолда болани тарбиялашда кўзланган натижага эришиш мушкул [2.32]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мавзу юзасидан рус тадқиқотчиларидан О. Кожурова [3], Ш. Марина [4], И.А. Хоменко [5], А.М. Низова [6] М.И. Кирикова [7], каби кўплаб рус тадқиқотчилари мавзуни илмий жихатдан ўрганган ва боланинг ҳар томонлама ривожланишида оиладаги тарбиявий муҳитнинг аҳамияти, мактаб билан оила ҳамкорлигининг ижобий жихатларини илмий таҳлил қилишга, асослашга уринганлар.

Мавзуни ўрганишда анализ, синтез, умумлаштириш, математик таҳлил методларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Кўп ҳолларда тарбиядаги нуқсонларимиздан бири шуки, болалар ва уларнинг ота-оналари фақат ўзларини эшитадилар ва тарбия "*менинг мажбуриятларим*" эмас, балки "*менинг ҳуқуқларим*" деган тенденцияни юқори кўядилар.[8]

Бундай жараён мактабда таълим сиёсатини олиб бориш, таълим тизимини қуриш ишларини мураккаблаштиради ва жамоа олдидаги, умуман олганда, жамият олдидаги мажбуриятлар йўқола боради. Бундай шароитда тарбиянинг асосий вазифаси аввалгидан ҳам оғирроқ юк билан мактаб педагогик жамоасига тушади. Ота-оналар ўзларининг таълим функцияларини тобора кўпроқ мактабга юкламоқдалар. Шунга мувофиқ таълим тизимига ўз талабларини тақдим қиладилару фарзанд оилада пайдо бўлган пайтдан бошлаб ота-онанинг бола тарбиясида энг асосий ҳал қилувчи субъект эканлигини унутиб қўядилар. Кўплаб ота-оналар фарзандларини келажакини аниқ режалаштириб қўйишади. Ўзлари танлаган стратегиядан чапга ёки ўнгга бурилишлар мумкун эмаслигини уқтиришга ҳаракат қиладилар. Умумтаълим мактабларида тарбиявий жараённинг оғир юки синф мураббийлари зиммасига тушади. Синф раҳбари ва ота-она ўртасидаги муносабатлар қандай шакл ва асосда қурилиши лозим. Ҳар бир синф раҳбари ўз муносабатлар тизимини қуради, ўзига хос шакл ва усулларни излайди. Ота-оналарнинг турли тоифалари билан ишлашда синф раҳбари ўз ишини диагностикадан бошлайди. Яъни оиладаги боланинг таълим олиши билан боғлиқ шароит ва муоммоларини ёки оила таълим салоҳиятининг ижобий жиҳатларини ўрганади. Синф раҳбар қўл остидаги ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини доимий назорат қилиб бориши рўй бериши мумкун бўлган хатарни тахмин қила олиши, мактаб остонасидаги бола юрмоқчи бўлган эгри чизикдан олдинроқ ҳаракат қилиши лозим. Тажриба ва амалиёт шуни кўрсатадики, мураббий ва ота-она ҳамкорлигисиз ўқувчи тарбиясида кўзланган натижага эришиш мушкул. Фақат катталаргина болаларга умид, ҳаётда оқ қорани ажратиш, муоммоларнинг ечимини топиш, қўрқувни енгиш каби кўплаб ҳаёт тажрибаларини ўргатиши мумкун.

Машҳур рус педагоги Антон Семенович Макаренко ўқитувчининг иши энг қийин, «эхтимол энг масъулиятли ва шахсиятдан нафақат энг катта стрессни, балки катта куч, катта қобилиятни ҳам талаб қиладилар» –деган эдилар. [9.30]

Ота-оналар болаларига ота-она меҳрини ҳис қилиш ва англаш имкониятини бериши, меҳр ва ғамхўрлик қилиши лозим. Таълим алоқаси -бу бола ва катталар позициялар тенглигини ўрнатиш. Ҳар кунги оилавий муносабатларда бунга эришиш жуда қийин.

Болани ота-онанинг севгиси ҳисси билан илҳомлантириш учун яна бир ўта муҳим қоидага риоя қилиш керак. Унинг ўзига хослиги, бошқалар билан ўхшашлигини қабул қилиш боланинг эгалик ҳуқуқини тан олишни англатади.

Бироқ, оилавий ўқитишдаги ролни камситмаслик керак. Болалар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари, талаблари, қизиқишлари билан ота-оналарга доимий таъсир кўрсатади, яъни уларни ўз-ўзини тарбиялашга ўз устида фаол ишлашга ундайди.

Шундай қилиб, оилавий таълим қуйидаги принципларга асосланади:

- болага муҳаббат, инсонпарварлик ва раҳм-шафқат;
- ўсиб бораётган болага доимий эътибор ва ғамхўрлик;
- болаларни оила ҳаётига тенгдош сифатида жалб қилиш
- мактаб ўқувчиларининг мунтазам равишда мактабга боришини назорат қилиш.

Ота-оналарнинг кейинги ва энг қийин вазифаси мактаб ўқувчиларининг уй вазифаларига ёрдам бериш ва уларнинг таълим фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш. Ота-оналар ўз болаларида қатъиятлик, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатни ривожлантириши қийинчиликни енгишга болалигидан ўргатиши лозим. Оилавий тарбияда ахлоқий таълим энг муҳим ўринни эгаллайди. Туйғулар оилавий тарбия жараёнида шаклланади, яъни инсонпарварлик, ҳамдардлик, диққатлик, раҳмдиллик, ҳамдардлик, муомала маданияти, мулойимлик, сезгирлик, садоқат, миннатдорчилик ҳисси ва ҳоказо. Ва аксинча, ота-оналарнинг тарбия услубига қараб, оилавий муносабатлар соҳасида худбинлик, сусткашлик, катталарга ҳурмацизлик, бошқаларнинг эҳтиёжларига бепарволик, масъулияцизлик, шафқацизлик хусусиятлари ҳам шаклланиши мумкун. Оилада ватанга муҳаббат, чуқур ҳурмат шаклланади миллий маданияти ва она тилига ҳурматнинг асослари оиладан шаклланади. Ҳар бир оила тенг аъзолардан иборат жамоадир. Ҳар бир ота-она бола тарбияси бўйича аниқ режага эга бўлиши керак. Фақат бир неча фарзандли оилада ота-она ғамхўрлиги нормал характерга эга бўлиши мумкун. Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар орасида севги ва дўстлик тажрибаси хилма-хил шаклларда ўрнатилади. Бола катта оилада ҳар қадамда, ҳатто ўйинда ҳам, бола жамоада бўлишга одатланиб қолади. Буларнинг барчаси таълим учун жуда муҳимдир.

МУҲОКАМА

Баъзи оилаларда болалар ва ота-оналар ҳамма нарса ўз-ўзидан амалга ошишига умид қилишади. Баъзи ота-оналарда на аниқ мақсад ва дастур йўқ. Албатта, бу ҳолда ва натижалар ҳар доим тасодифий бўлади ва кўпинча бундай ота-оналар нега уларнинг ёмон болалари борлиги ҳақида ўйлашади.

В.А. Сухоминский "ҳақиқий инсонни қандай тарбиялаш керак " деган саволга "Ота ва она, гўё бир-бирини тўлдиради; агар онаси билан яхши дўстлик бўлса, бола отасини чинакам инсонни кўради ..." - деган эди.

А.С. Макаренко болада интизомни тарбиялашнинг аҳамияти тўғрисида режим кўп болали катта оилада бошқача бир болали оилада бутунлай бошқача бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Баъзи оилаларда ота-оналар қабул қилинган режимнинг соғломлигига ишонишади ва хатога йўл қўйишади. Режим аниқ табиатда доимий бўлиши мумкин эмас, чунки бу фақат таълим воситасидир. Ҳар қандай тарбия маълум мақсадларни кўзлайди ва бу мақсадлар доимо ўзгариб туради ва мураккаблашади. Масалан, эрта болалик даврида ота-оналарнинг жиддий вазифаси - болаларни тоза бўлишга ўргатиш. Ушбу мақсадга эришиш учун ота-оналар болалар учун махсус тартиб-қоида ни ўрнатиши лозим. Яъни ювиниш, тозалик қоидалари ва ҳоказо.. Бундай режим мунтазам равишда сақланиб турилиши керак, ота-оналар бу ҳақда ҳеч қачон унутмасликлари, бажарилишини назорат қилишлари, болалар ўзлари бирон бир нарса қила олмайдиган пайтда ёрдам бериш, болалардан сифатли иш талаб қилиш лозим. Болаларда тозалик одатлари ривожлантирилса боланинг ўзи энди ифлос қўллари билан таомлана олмайди. Аста-секин, ушбу тартиб-қоидалар бошқа мураккаб ва муҳимроқлари билан алмаштирилиб борилиши лозим. Уйдаги оилада ота-она томонидан ўрнатилган қоидалар қуйидаги қисмлар: туришнинг аниқ вақти, дам олиш кунларида ҳам тозалик қоидаларига риоя қилиш, чойшаб алмаштириш шартлари ва қоидалари, кийим-кечак, уларни кийиш, тозалаш қоидалари каби қоидаларни вақтида бажаришга одатланган бўлиши керак Оилада ҳаётнинг ҳар қандай қоидалари жорий этилмаслиги керак.

ХУЛОСА

Машҳур рус педагоги Макаренко тарбияловчи ўзи берган насиҳатга ўзи риоя қилмаса тарбиядан кўзланган натижага эриша олмайди. Болалар эшитганларига эмас кўрганларига тақлид қиладилар деган эди. Ота ичкиликга берилган, хулқи ёмон бўлса, онанинг билими, тафаккури сайёз бўлса тарбиядан кўзланган натижага эришиш мушкул. Бола тарбияси барча касблар ичида энг қийин, мураккаб ва кечиктириб бўлмас жараён дир. Ота-оналар бола тарбиясида фақат бирёқлама, моддий эҳтиёжларини қондириш асносида ота-оналик бурчимни бажардим десалар хато қиладилар. Болаларимизни ҳар томонлама етук инсон сифатида тарбиялашда, уларда гўзал инсоний хислатларини

шакллантириш жараёнида энг фаол таълим субъекти ота-оналар эканлигини унутмасликлари керак. Яхши болани тарбиялаш қийин, аммо имконсиз эмас. Ватанимиз тараққиёти ҳар томонлама етук, маънавиятли ёшларнинг салмоғи билан боғлиқ экан ҳар бир таълим субъекти ўз ишини сидқидилдан бажарсагина кўзланган натижага эришишимиз мумкун.

REFERENCES

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрдаги И059-сонли қарорига 1-илова.ҚХММБ: 09/20/1059/0017-сон.03.20.2020.Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.
2. Кошанова, Н. М. Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 2020. 32-б.
3. Кожурова, О. Ю. Мактаб ва оиланинг ижтимоий ҳамкорлиги уларнинг таълим салоҳиятини ошириш омили сифатида: дисс автореферати. ... 2002. — 480 с.)
4. Шенна Марина Борисовна. Развитие и реализация воспитательного потенциала семьи в условиях социального потенциала семьи условиях социального партнерства со школой. дисс. ... канд. пед. Наук.Уфа-2013.-224 с.
5. Хоменко, И.А. Школа и родители: этапы развития социального партнерства [Текст] // И.А.Хоменко// Педагогическое обозрение. - 2008. - №4 (79).-С.7-8.]
6. Низова, А.М. Функции семьи и воспитание детей /Сборник научных трудов. Воспитательные возможности семьи [Текст] /А.М.Низова. - М., 1981.
7. Кирикова, М.И. Повышение воспитательного потенциала неполной семьи в условиях Центра социальной помощи семье и детям: автореферат дисс. ... канд. соц. наук [Текст] / М.И.Кирикова. - Москва, 2009.- 38 с.
8. Министерство образования Республики Беларусь Учреждение образования «Белорусский государственный педагогический университет имени Максима Танка» Методические сопровождение факультативных занятий введение педагогическую профессию Модуль 1. «В мире педагогической профессии» для X класса учреждений общего среднего образования Минск 2015 .С-30.
9. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N. Structure and Mechanisms of Action of The Educational cluster. // *International Journal of Psychological Rehabilitation*, Vol.24, Issue 07, 2020. 8104-8111

10. Koshanova N. Teacher actions in professional direction school (according to the educational cluster) //European Science review.№ 3-4 2020. <https://doi.org/10.29013/ESR-20-3.4-24-26>.
11. Кошанова, Н. М. Халқимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана маросимлар. Тамаддун нури. Илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнали. Қорақалпоғистон Республикаси, 2020.1-сон – Б. 37-40
12. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида миллий тарбия масаласи. Илм сарчашмалари. илмий –методик журнали.Урганч.2020.7-сон.44-47
13. “Умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари”. Замонавий таълим илмий –амалий оммабоп журнали. 2020. 2-сон. 28-33-б.
14. Koshanova N.M.Teacher Actions in professional Direction of secondary school children(assording to the educatsional cluster) European Science Review Scientific journal №3-4 2020 (March-April) 24-26p
15. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. *Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў*. № 1-1. 94-98.
16. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
17. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. "Science and Education" Scientific Journal. Volume 1 Special Issue. 157-172.
18. Шарипов М.Л. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. "Science and Education" Scientific Journal. Volume 1 Issue 5. 263-270.
19. Hojiyev Rasulbek Boynazar o`g`li, Xolmo`minov Gofur Bobonazarovich & Sharipov Mirzohid Latipovich. (2020). “Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan”. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Vol. 8 No 5, Part II. 1-3.
20. Шарипов М.Л. (2020). Коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг инсон ва жамият ҳаётига таҳдидлари. «Academic research in educational sciences». Volume 1. Issue 4. 50-58 – бетлар.

21. Кучина, Е. А. Проблемы современного учебно-воспитательного процесса. Роль классного руководителя в современном школьном образовании / Е. А. Кучина. — Текст : непосредственный // Педагогическое мастерство : материалы II Междунар. науч. конф. (г. Москва, декабрь 2012 г.). — Москва : Буки-Веди, 2012. — С. 210-212. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/65/3191/> (дата обращения: 24.10.2020).